

I. ТРАНСПОРТ

Юк ташиш. 2018 йил январь-мартда барча транспорт турлари томонидан 4,0 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 100,1 фоизни ташкил этди.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 112,5 млн.тн-км.ни ташкил қилди ва 100,4 фоизга кўпайди.

Транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси ҳажми

	2018 йил январь-март	2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн.	4,0	100,1
<i>шу жумладан:</i>		
автомобиль транспортида	4,0	100,1
Юк айланмаси, млн. тн-км.	112,5	100,4
<i>шу жумладан:</i>		
автомобиль транспортида	112,5	100,4

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобиль транспортининг юк айланмаси 2017 йил январь-мартга нисбатан 101,4 фоизга кўпайди ва 90,2 млн. тн-км.ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 88,7 фоизни ташкил этди (2017 йил январь-мартда 86,9 фоиз).

Йўловчи ташиш. 2018 йил январь-мартда барча транспорт турлари томонидан 29,0 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,6 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 102,9 фоизга кўпайиб, 844,7 млн. йўловчи-км.ни ташкил қилди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси

	2018 йил январь-март	2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	29,0	103,6
шу жумладан: автомобиль транспортида	29,0	103,6
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км.	844,7	102,9
шу жумладан: автомобиль транспортида	844,7	102,9

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобиль транспортида йўловчи айланмаси 2018 йил январь-мартга нисбатан 102,8 фоизга кўпайди ва 822,1 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 97,3 фоизни ташкил этди (2017 йил январь-мартда 97,4 фоиз).

2018 йил январь-март ҳолатига транспорт фаолиятининг асосий кўрсаткичлари

